# ЧЕХОВНИНГ ЎЗБЕКЧАГА ТАРЖИМАЛАРИ ХУСУСИДА

**Д.НОРАЛИЕВ**

*Статья посвящена особенностям перевода рассказов Чехова на узбекский язык, обоснована необходимость современных переводов данного автора.*

*The article is devoted to specific features of the translation Chekhov's stories into the Uzbek language, is motivated by the need modern translation of the author.*

---

XX аср бошларига келиб ўзбек халкининг бошқа халқлар билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларининг йўналиши ўзгарди. Туркистоннинг чор мустамлакаси эканлиги, моддий бойликларни ташиб кетиш мақсадида темир йўлларнинг ўтказилиши Россия билан алоқаларнинг, хусусан, маданий алоқаларнинг интенсив тус олишига олиб келди. Иқтисодий алоқалар ва мустамлака тавқозоси билан рус тилини ўрганиш эҳтиёжи туғилди, юртимизда кўплаб рус-тузем мактаблари очилди. Булар эса ўтган аср бошларидан зиёлиларимизга рус матбуоти билан, рус адабиёти билан яқиндан танишиш имконини яратди. Мазкур ҳол, албатта, рус-ўзбек адабий алоқаларнинг кучайишига туртки бўлди. Янгиланаётган миллий адабиётимиз учун бундай алоқа ғоят зарур, у рус адабиётининг бой тажрибасига эҳтиёж сезарди. Айни вазият моҳиятан чор мустамлакачилик сиёсатини давом эттирган шўро даврида ҳам сақланиб қолди. Шу зарурат туфайли ўтган аср бошларидан рус тилидан таржима қилиш ишлари йўлга қўйила бошлади ва бу иш шўро ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ яна ҳам изчил амалга оширилди.

20-йилларда, нашриёт-матбаа ишлари изга солингач, рус адабиёти намуналари режали равишда таржима қилиниб, китобхонларга ҳавола этила бошланди. Шу ишга бош қўшганлардан бири ва ҳақли равишда рус тилидан ўзбекчага таржимачилик мактабининг асосчиларидан бири деб саналувчи ижодкор Абдулҳамид Чўлпондир. Жумладан, 1929 йилда чоп этилган "Қизил қалам" мажмуасининг иккинчи китобида улуғ рус адиби Чеховнинг "Ванька" ҳикояси Чўлпон таржимасида босилди. Бу, биздаги мавжуд маълумотларга кўра, Чеховнинг ўзбекчага ўгирилган илк асаридир. Шундан кейин ҳам Чўлпон рус адибининг ўнга яқин ҳикояларини таржима қилди ва улар 1933 йилда Ўздавнашр томонидан "Ҳикоялар" номи билан чоп этилди. Афсуски бу таржималар Чехов асарларининг кейинги нашрларига киритилмади.

Маълумки, А.П.Чехов ўзига хос такрорланмас индивидуаллиги, лўнда ва сермаъно услуби билан рус ёзувчилари ичида ажралиб туради. Чўлпон ўз даврининг бадиий ва лисоний имкониятларидан тўла фойдаланиб, рус адибини ўзбек ўқувчисига танитишга, таржималарида асарларининг жозибасини сақлаб қолишга астойдил ҳаракат қилди. Чўлпон таржималари кўздан кечирилса, унинг асарлар мазмунини аслича сақлаб колиш, миллий характер хусусиятлари, жой ва давр колоритни кайта яратиш каби таржиманинг муҳим шартларини бажариш йўлида ижодий изланган, кўп тер тўккани кўринади. Шу боис ҳам Чўлпон таржималарида Чеховнинг ёрқин индивидуал услуби, фавқулодда маҳорати, қаҳрамонлар руҳияти, уларнинг портрет чизгилари, нутқий ўзига хосликларини ўз даври миллий бадиий наср тили имкониятлари даражасида адекват бера олди. Кейинги давр таржимачилиги учун Чўлпоннинг таржима бобидаги тажрибалари мактаб бўлиши мумкин эди, афсуски, адиб қатағонга учрагани боис бу нарса амалга ошмади.

Юқоридаги хулосага "Ванька" ҳикоясининг ўзбек тилига таржималарини қиёсий ўрганиш орқали келдик. Мажмуада босилганидан сўнг ушбу ҳикоя алоҳида китобча шаклида (1929) босилган эди, 1929 йилда чоп этилган Чехов танланган асарларига ҳам у Чўлпон таржимасида киритилган. 1947 йилда Ўздавнашр томонидан чоп этилган Чехов "Танланган асарлар"ига, шунингдек, Чеховнинг ўзбек тилидаги кейинги нашрлари (1954, 1986)га ҳам О.Раҳимий таржимаси (таржимон таҳрирлари ва ўзгартиришлари билан) киритилган. Мақолада шу таржималар хусусида фикр юритамиз.

А.П.Чехов услубига хос умумэътироф

этилган қисқалик ва лўндалик ҳикоянинг илк жумласидаёқ кўзга ташланади. Ҳикоя “Ванька Жуков, девятилетний мальчик, отданный три месяца назад в ученье сапожнику Аляхину, в ночь под рождество не ложился спать” жумласи билан бошланади. Кўриб турганимиздек, аслиятда асосий хабар (“Ванька Жуков ... в ночь под рождество не ложился спать”) ажратилган аниқловчи (“девятилетний мальчик”) ва сифатдош обороти (“отданный три месяца назад в ученье сапожнику Аляхину”) ёрдамида кенгайтирилган. Яъни, бу ўринда Чехов услубига хос қисқалик намоён бўлади. Чунки жумлани шундай қуриш билан Чехов зарур мазмунни (боланинг тўққиз ёшдалиги, этикдўзга шогирд қилиб – “эти сизники, суяги бизники” тарзида берилганини) таъкидлайди. Ва шу қисқа тафсилотнинг ўзи биланоқ адиб ўқувчини ҳикоя воқелигига олиб киради, унинг Ванька руҳиятини ёрқин тасаввур қилишига имкон яратади. Худди шу жумла ўзбекча таржималарда қуйидагича берилган:

“Бундан уч ой илгари, Алёхин номли этикдўзга шогирд қилиб берилган тўққиз яшар бола – Ванька Жуков, мийлод байрами кирадирган кечаси уйқуга ётмади” (Чўлпон)

“Бундан уч ой бурун Алёхин деган этикдўзга шогирдликка берилган тўққиз яшар бола Ванька Жуков катта ҳайит куни кечаси анчагача ётмади” (О.Раҳимий, 1947)

Иккала таржимада ҳам жумла қурилиши ўзбек тили синтаксисига мос равишда ўгирилиб, уларда ажратилган аниқловчилар одатий позицияга ўтказилган. Албатта, бу аслият руҳи, ҳикоя қилиш манерасига унчалик мос эмас, шундай бўлса ҳам, давр нуқтаи назаридан қаралса, бунга эътироз қилиш ноўрин. Бироқ мазмун жиҳатидан Чўлпон таржимаси аслиятга яқинроқ экани ҳам яққол кўринади. Чўлпон “*в ночь под рождество не ложился спать*” ни “*Мийлод байрами (Исонинг тугилган куни) кирадиган кечаси уйкуга ётмади*” деб ўгирса, О.Рахимий биринчи таржимасида “*катта хайит куни кечаси анчага ётмади*” деб ағдарган. Чўлпон аслиятга содиқ қолган ҳолда Рождество сўзини “мийлод байрами” дея ўгиради ва унга тегишли изоҳ беради, О.Раҳимий эса уни “катта ҳайит” деб таржима қилади. Ҳолбуки, “катта ҳайит” кўпроқ “пасха”га тўғри келади. Яъни О.Раҳимий рус миллий турмушига хос реалияни нотўғри ўгирган, бу ўринда у реалияни таржима тилига “мослаштириш” йўлидан борган. Бундан ташқари, Чўлпон “*Мийлод байрами кирадиган кечаси”* деб аниқ ўгирса, О.Раҳимий “*катта хайит куни кечаси анчагача ётмади*” деб таржима қилади. Натижада О.Раҳимий таржимасида воқеа юз бераётган кун ўзгаради: аслиятдаги “байрамга ўтар кечаси” ўрнига “байрам куни кечаси” дейилади, яъни воқеа вақти бир кун кейинга сурилади (Буни кейинча О.Раҳимийнинг ўзи ҳам фаҳмлаган бўлса керак, кейинги нашрларда Рождество сўзини аслича берган). Агар аслиятнинг кейинги жумласи “Дождавшись, когда хозяева и подмастерья ушли к заутрене, он достал из хозяйского шкапа пузырёк с чернилами, ручку с заржавленным пером и разложив перед собой измятый лист бумаги, стал писать” экани эътиборга олинса, арзимасдек кўринган юқоридаги камчилик жиддий нуқсон бўлганини кўриш мумкин. Чунки Ванька, Чўлпон таржимада “*пойлаб*” сўзи билан жуда муваффақиятли ифодалагани каби, туни билан уста ва халфаларнинг саҳарги ибодатга кетишларини кутиб ухламаган, улар кетиши билан бобосига хат ёзишга киришган. Бола бунга тайёрланиб, шу кун тонгда ўзи ёлғиз қолишини билиб, хат ёзиш имконини зориқиб кутган. О.Раҳимий таржимасида воқеанинг “*катта ҳайит куни кечаси*”га ўтиб кетиши аслиятдаги шу муҳим тафсилотнинг кучи ва аҳамиятини йўққа чиқаради: *“Хўжайини ва бошқа шогирдлар саҳар намозига кетишганларидан кейин у, хўжайиннинг жавонидан сиёҳдон билан занг босган ручка олди-да, ғижимланган бир варақ қоғозни олдига ёзиб, хапт битишга киришди”*. Яъни таржимон аслиятдаги таъкидлаб айтилган “не ложился спать” ва “дождавшись” деган маълумотларга етарли эътибор бермайди, матнни, қаҳрамон руҳиятини етарли даражада ҳис қилмайди ва шу сабабли таржимада адекватлик йўқолади. Чўлпон эса бу жумлани: *“Хўжайин ва ҳалфаларнинг эрталабки ибодатга чиқиб кетганларини пойлаб, шундан сўнг хўжайин жавонидан сиёҳли шишача, занг босган учли пўлат қалам олди-да бир тахта эскирган қоғозни олдига қўйиб ёза бошлади”* тарзида ўгиради. Кўриб турганимиздек, Чўлпон таржимасида биринчи икки жум-

ланинг боғланиши асосида юзага чиқувчи руҳий ҳолатни анча аниқ ифоалашга эришган.

Маълумки, Чехов ҳикояларида деталларнинг функционаллиги юксак даражадаги бадиий-эстетик қимматга эга. Деталлардан моҳирона фойдалангани учун ҳам Чехов қисқаликка эришади, унинг ҳикояларида йўлакай бериб кетилган деталь ҳам катта информация ташийди. Юқоридаги жумлаларни кузатсак, бунга амин бўлиш мумкин. Масалан, аслиятдаги “хозяева и подмастерья” сўз қўшилмаси этикдўз хонадонидаги табақаланишни кўрсатади. Шуни назарда тутиб Чўлпон “хўжайин ва ҳалфалар” деб ўгирса, О.Раҳимий буни “хўжайини ва бошқа шогирдлар” тарзида беради. Натижада Ванька ҳам улар билан тенг мақомга чиқариб қўйилади, ҳолбуки, бу ҳикоя воқелигига зид – Ванька эндигина шогирд тушган, унинг халфа мақомига етишига ҳали анча бор. . Акс ҳолда уни қолдириб кетишмас, Ванька ҳам улар бормаслигини аниқ билмаган ва уларни кетишини пойламаган бўлур эди. Ёки аслиятдаги “пузырёк с чернилами” ва “ручка с заржавленным пером” деталлари хонадон эгаларининг маърифий савиясини кўрсатади. Яъни агар перо ишлатилмай ётаверганидан занг босиб кетган экан, бу ерда махсус сиёҳдон бўлишига зарурат йўқ. Чўлпон таржимада “сиёҳли шишача ва занг босган учли пўлат қалам” дея аслиятга содиқ қолса, О.Раҳимий “сиёҳдон билан занг босган ручка” деб ўгиради. Натижада аслиятда “сиёҳли шишача” бажарган функция йўқолади, бунинг устига “заржавленное перо” ўрнига “заржавленная ручка” тарзидаги мантиқий ғализлик юзага келади. Чеховнинг деталь ишлатишдаги маҳорати яна “разложив перед собой измятый лист бумаги” деб ёзишида ҳам кўзга ташланади. Агар ўйлаб қаралса, бу деталь ҳам катта маъно ташишини билиш қийин эмас. Чунки бу билан боланинг хат ёзишни анчадан бери режалаштириб юргани, қачондир топган бир варақ қоғозни сақлаб келгани, узоқ сақлангани (эҳтимол ёнида олиб юрилгани) сабабли униқиб, ғижимланиб кетгани яна бир бор таъкидланади. Чўлпоннинг буни “бир тахта эскирган қоғоз” тарзида ўгиргани аслиятга мос эмас. О.Раҳимийнинг “ғижимланган бир варақ қоғоз” тарзида ўгириши сўзма-сўз тўғри бўлса-да, бунга ҳам таъкид камлик қилади. Яъни, менимча, бу ерда “унниқиб-ғижимланиб кетган варқни олдига ёзиб” тарзида таъкидлаб берилса, деталнинг аҳамияти таржимада очиқроқ кўринар эди. Бундай дейишимизга сабаб шуки, аслиятда деталлар кучайтириш тартибида бериляпти: “пузырёк с чернилами” – “ручка с заржавленным пером” – “измятый лист бумаги”. Аслиятда градуал таъкид уюшиқ бўлаклар ва уларга тенг боғловчи (“и”) билан боғланган равишдош оборотини кетма-кетликда бериш орқали юзага чиқади. Таржимада бу ҳолатни қўшимча лексик восита ёрдамида берилса, деталь функциясининг рўёбга чиқиши таъминланади.

Таржималарни кўздан кечирилганда, рус тилидан илк таржималар қилинган 20-йилларда реалияларни таржима қилиш, шунингдек, ўзбек бадиий наср тилининг ўша даврдаги имкониятлари билан боғлиқ қатор объектив камчиликлар кўзга ташланади. Жумладан, аслиятда Ваньканинг хат ёзишга киришиш олдидаги ҳолати қуйидагича тасвирланган: “Прежде чем вывести первую букву он несколько раз пугливо оглянулся на двери и окна, покосился на темный образ, по обе стороны которого тянулись полки с колодками, и прерывисто вздохнул». Бу боланинг айни чоқдаги руҳий ҳолати, қилаётган иши ўзгалар томонидан маъқулланмаслигини билиб турганини англатувчи деталдир. Жумладаги “темный образ” – рус миллий турмушига хос реалия. Рус хонадонларида Биби Марям ёки Масиҳ суратларини махсус жойга илиб қўйиш ва шу жойда ибодат қилиш одат бўлган. Яъни бу ерда “образ” шундай суратни, иконани англатади. Чўлпон “образ”ни “эски сурат” тарзида ўгиради ва қавсда “Марям она сурати” деб изоҳ бериб кетади. Шунинг ўзиёқ ҳолатни адекват беришда Чўлпон қийинчилик ҳис қилганини кўрсатади. Яъни у имкон қадар аниқ, адекват таржимага интилган. О.Раҳимий эса бу ўринда “санам” сўзини ишлатиб, яна мослаштириш йўлидан боради. Чунки санам кўпроқ мажусийлар сиғинган маъбуд ҳайкалчаларини англатади. Албатта, мумтоз шеъриятда кўп ишлатилган бу сўзни Чўлпон ҳам билганига шубҳа йўқ, лекин, бизнингча, реалия маъносини беролмагани учун ишлатмаган бўлса керак. Ҳозирги вақтда бу сўзни, масалан, “икона” сўзи билан ифодалаш мумкин,

бугунги кун ўқувчисига тушунарли бўлаверади. Лекин 20-30-йиллар ўқувчиси рус турмуш тарзини замондошларимиз қадар билмаган. Чунки ҳозирги ўқувчи рус турмуш тарзи ҳақида бадиий адабиёт, кино, телевидение воситасида жуда кенг маълумотга эга. Демак, реалияларни таржима қилишдаги бизга нуқсонли кўринган айрим ўринлар шу объектив сабаб билан ҳам изоҳланиши керак.

Камчиликларни юзага келтирган объектив сабаблардан яна бири сифатида аслият тилини билиш, ҳис қила олиш даражасини ҳам кўрсатиш мумкин. Бу жиҳатдан қаралса, Чўлпон таржимаси О.Раҳимий таржимасига қараганда муваффақиятлироқ. Бу ўринда тилни билишдан кўра “ҳис қила олиш” даражаси ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Чўлпон ижодкор сифатида Чеховнинг лўнда ифодаларининг бадиий-эстетик аҳамиятини теран ҳис қилган ва шунинг учун ҳам таржимаси муваффақиятлироқ чиққан. Масалан, “людская кухня”ни Чулпон – “умумий ошхона”, О.Раҳимий “коровуллар турадиган уй”; “окутанный в просторный тулуп”ни “от терисидан килинган кенг пустинга уралиб олиб”, О.Рахимий эса “почапустин кийиб”; “балагурит с дворней”ни Чўлпон “бойнинг хизматкорлари билан хазил қилишиб ётгандир”, О.Раҳимийнинг “қароллар билан ўйнашаётгандир” тарзида ўгирганларки, барча ҳолларда Чўлпон таржимаси аслиятга яқинроқдир. Шуни ҳам айтиш керакки, айрим ҳолларда Чўлпон ҳам хатоликларга йўл қўйган. Масалан, “а спать мне велят в сенях”ни Чулпон «ётадиргон жойим похолнинг усти» ўгиради. Аслиятда эса гап “сени” – “уйга кириш жойидаги кичик даҳлизча” ҳақида бормоқда. Ёки аслиятдаги Ваньканинг “попроси у барышни Ольги Игнатьевны” деган илтимосини Чўлпон “хўжайиннинг хотини Ольга Игнатьевна” деб ўгирган ва натижада чалкашлик келиб чиққан. Чунки бу ерда гап аслида қишлоқдаги бегойим ҳақида бормоқда, яъни “барышня”ни “бегойим” деб ўгириш аслиятга мос бўлур эди.

Юқоридагилардан аён бўляптики, Чехов асарлари ўзбек тилига ўгирилганидан бери ўтган вақт давомида миллий тилимиз, хусусан, бадиий наср тили беқиёс даражада тараққий этди, ўқувчиларнинг рус тилидан таржима қилинган асарларни қабул қилиш имкониятлари ҳам юксалди. Иккинчи томондан, ҳозирги вақтда жаҳонда Чехов меросига қизиқиш кучайгани ҳам маълум. Шуларни ҳисобга олсак, ҳозирда Чехов асарларини ўзбек тилига қайта таржима қилиш масаласи долзарб бўлиб турибди. Албатта, бу борада Чўлпондек улуғ адибнинг тажрибалари ўзига хос мактаб бўлиб хизмат қилади.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. “Қизил қалам”. Мажмуа.- С., 1929 (лотин ёзувида)
2. А.Чехов. Ҳикоялар. Чўлпон таржимаси. - Т.: Ўздавнашр, 1933
3. Владимирова Н. Пушкин Чўлпон таржимасида // Жаҳон адабиёти.- 2009.- №6.- Б.133-139
4. Шарафиддинов О. Чўлпон.- Т.: Чўлпон, 1991.- 110 б.
5. Шарафиддинова М.О. Узбекская проза XX века в контексте мировой литературы.- Т.: Фан, 2008.-160 с.

*Андижон давлат университети,*
*2010 йил 15 сентябрда қабул қилинган*
*(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Қуронов)*